ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Юлдуз Пирназаровна Урунбаева
и.ф.ф.д., доцент,
Темирова Шалола Эркиновна
мустақил изланувчи.
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ҳозирги замонавий шароитларда ҳар қандай давлатнинг ижтимоий - иқтисодий равнақи мамлакатдаги таълим хизматларининг ҳолати ва принциплари билан чамбарчас боғликлигини реал ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Таълим хизматлари миллий иқтисодиёт учун зарур ва замон талабларига мос келадиган малакали ходим ва мутахассисларни тайёрлашда ўзига хос ўринга эга.


Бироқ таълим хизматлари фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, ҳозирги кунда ушбу хизмат тури тез ривожланиб, табора сайқалланиб бормоқда.

Биз назарий жиҳатдан кўпроқ таълим хизматлари ҳақида тассавурга эга бўлишимизда, унинг мазмун - моҳиятини етарлича англашимиз, бунинг учун олдин “таълим” ва “хизмат” тушунчаларини алоҳида-алоҳида ажратиб талқин қилишимизга зарурият туғилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Таълим” сўзи - ўргатиш, ўқитиш, илм бериш, маълумот маъноларини англатиб, “Таълим” ибораси бир неча мазмунда қўлланилиши эътироф этилган. Масалан, билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси, илм-фан ёки касб-ҳунар соҳалари бўйича

эгалланадиган, маълумот ва кўникмалар мажмуи, тарбия, одоб-ахлоқ, кўрсатма, йўл-йўриқ маъноларида таърифланган (1.1.1-расм)[1].

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонунининг 1-боб 3-моддасида "Таълим - таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек, уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён"лиги ҳақида тушунча берилган[2].



1.1.1-расм. Таълим мазмунини англатувчи таркиб[3]

Россиялик олимларидан Е.А. Клокова ва К.Д.Трубниковалар ўзларининг илмий асарларида "Таълим - бу билимларни ўзлаштириш,

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Давлат илмий нашриёти. Тўртинчи жилд, тузатилган 2-нашри. 2020, - 27-28-бетлар
[2] Ўзбекистон Республикасининг"Таълим тўғрисида"ги қонуни. 2020 йил 23 сентябрь https://lex.uz/docs/5013007
[3] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

такомиллаштириш ва янгилаш жараёни бўлиб, кейинчалик инсонлар уларни амалда қўллашлари мумкин"лигини таъкидлашади[4].

Демакки, юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, таълим билим бериш, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир. Таълим жараёнида маълумот олинади ва тарбия амалга оширилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "Хизмат" тушунчаси ҳам кенг ёритилиб унга кўра, "Хизмат" бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш, бирор ишни бажариш, иш, меҳнат, бировга ёрдам кўрсатиш, холисона қилинган иш, ёрдам, яхшилик, бирор ташкилот, муассаса ёки корхонада бажариладиган иш, вазифа, лавозим, шундай жойда ишлаш, армия сафида бўлиш, ҳарбий мажбуриятни ўташ, армия таркибидаги айрим ихтисослашган соҳалар ёки тармоқлар дея таърифланади (1.1.2-расм)[5].



1.1.2-расм. Хизмат мазмунини англатувчи таркиб[6]

Иқтисодчи олимлар Ў.Д.Ражабов ва О.А.Рузиевларнинг

[4] Клокова Е.А., Трубникова К.Д. Понятие образовательной услуги. Платность дополнительных образовательных услуг в государственных и муниципальных учреждениях // E-Scio, 2019. С. 572-580.

[5] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Давлат илмий нашриёти. Тўртинчи жилд, тузатилган 2-нашри. 2020, - 395-396-бетлар

[6] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

фикрича, хизматлар соҳаси иқтисодий муносабатлар тизимида моддий ва номоддий ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисми, аҳолининг ўзига хос ижтимоий-маданий, моддий-маиший эҳтиёжларини қондиришга, турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга, номоддий ишлаб чиқариш соҳаси меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган муҳим соҳа бўлиб, у иқтисодиётнинг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий таъминот, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, туризм, банк ва молия каби кўплаб ноишлаб чиқариш соҳаларини ўз ичига олади[7].

Ўзбекистонлик олимлардан Д.А.Шодибекованинг таъкидлашича, Хизматлар соҳаси – миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми, корхоналар, ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хизмат турларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олган жамланма соҳа ҳисобланади. Бошқача айтганда, хизматлар соҳаси тижорат, касбий ва маиший хизматлар кўрсатишга ихтисослашган мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари ҳисобланади[8]. Таниқли олим Ф.Котлернинг фикрича, “Хизмат – бу бир томон бошқасига таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятдир”[9]. Хизматларни бажариш жараёнида амалга оширилади ва истеъмол қилинади.

Рус олимларидан А.Н. Король ва С.А. Хлыновлар “Хизматлар - инсонлар ўртасидаги муносабатдир, иқтисодий субъектларнинг

[7] Ражабов Ў.Д., Рузиев О.А. Хизматлар иқтисодиёти. Термиз.: “Китоб нашр”, 2025 й. 7 – б.
[8] Shodibekova D.A. O‘zbekistonda xizmatlar sohasini rivojlantirish: muommolar va echimlar (monografiya). – T.:
TDIU, 2020. – 145 b.
[9] Котлер, Ф., Маркетинг менеджмент. Экс пресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. Божук С. Г. СПб.: Питер, 2006.- 464 с.

бевосита муносабатларининг номоддий фойдали самараси”[10] эканлигини таърифлашади.

Таълимни етказиб бериш учун алоҳида “хизмат”ни амалга ошириш лозим. Иккаласи биргаликда таълим хизматларини ташкил қилади. Таълим хизматлари тушунчаси мураккаб, кўпқиррали бўлиб, сўнгги йилларда чоп этилаётган кўпгина иқтисодий адабиётларда ва луғатларда унинг назарий асослари турлича таърифланмоқда. Таълим хизматлари тушунчасига шу пайтгача жуда кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан фикрлар билдирилган. Улар ушбу йўналишда олиб борган илмий изланишлари ва аналитик таҳлиллари орқали таълим хизматларига хос бўлган иқтисодий хусусиятлар, уларнинг шаклланиш тенденциялари ҳамда истиқболли ривожланиш йўналишларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг ходимлари таълим хизматларига қуйидаги таърифни беришган: “Таълим хизматлари - бу қобилиятларни такомиллаштириш, ижтимоий етукликка эришадиган шахснинг хатти-ҳаракати ва индивидуал ўсиши ҳисобланади[11].

Рус олимларидан В.А. Долятовский ва О.А. Мазур ўзларининг “Таълим хизмати бозорида олий таълим фаолиятини стратегик режалаштириш” номли монографиясида таълим хизматини “шахснинг маълум бир турдаги билим, кўникма, қобилятларга, касб ёки малакага эга бўлишга бўлган эҳтиёжини амалга оширишни таъминлайдиган, шахс онгига қаратилган, номоддий ҳаракатлар меҳнат бозорида талабни қондиришни таъминлайди” деб таърифлайдилар[12].

[10] Король А.Н., Хлынов С.А.. Услуги: определение и классификация. Электронное научное издание «Ученые заметки ТОГУ» 2014, Том 5, № 4, С. 1323 – 1328

[11] Организационные вопросы системы образования // Электронный-учебно методический комплекс: http://www.kgau.ru/distance/mf_01/timofeeva-orgosn-obr/2_2.html

[12] Долятовский В.А., Мазур О.А., Кузнецова И.В. и др. Стратегическое планирование деятельности вуза на рынке образовательных услуг: монография. Ростов н/д: 2006. РГЭУ. 235 с.

Л.В.Захаровага кўра, таълим хизматлари - бу замонавий фан ва техника ютуқлари асосида у ёки бу кўринишдаги касбий фаолиятда амал қилиши учун зарурий билим, маҳорат, кўникмаларни эгаллашда жисмоний ва юридик шахслар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ўқув юртлари фаолиятидир[13].

А.Е.Вифлеемский ўз тадқиқотларида "таълим хизматлари - бу истеъмолчида янги билимлар, кўникмалар, шахсий фазилатларини ҳамда ишчи кучининг баҳосини ва меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи чора-тадбирлар умумлашмасидир"[14].

Т.П.Категорская таълим хизматларига қуйидаги таърифни берган: "Таълим хизматлари мақсадли билим ва амалий тажрибани узатиш жараёни сифатида талабаларнинг билим ва кўникмаларни шакллантириш, тегишли кадрларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги профессионал фаолият"[15].

И.Н.Красовский эса таълим хизматларини мураккаб жараён сифатида таърифлаб, унинг меҳнати натижасида юқори қийматли замонавий жихозлар яратилишида хизмат қилади, деб таъкидлайди[16].

Шунингдек, Т.Н.Сироваткинанинг тадқиқотида, таълим хизматлари интелектуал меҳнат маҳсули бўлиб, ортиб бораётган қиймати истеъмол пайтида йўқолмайди ва мустақил эканлигини таъкидланади[17].

Россиялик олим Ю.А.Скоробогатовага кўра, таълим хизматлари барча хизматларга хос бўлган умумий хусусиятларга эга. Буларга таълим хизматларини таклиф жараёнида истеъмол қилиш имконияти, жамоавий

[13]Захарова Л.В. Формирование и развитие образовательных услуг: автореф. дисс. к.э.н. / Белград. 2002.
[14]Вифлеемский А.Е. Экономика образования / – М.: Изд. Маркет ДС, 2003. – 342 с.
[15] Категорская Т.П. Совершенствование оценки качетсва образоватльнқх услуг в сфере высшего образования. Диссертаиця на соискние учёной степени к.э.н. Красноярск-2023. 178 с. С. 17.
[16] Красовский И.Н. Регулирование мирового рынка образовательных услуг //Вестник ОрелГИЭТ. - 2019. № 1 (47). - С. 61-64. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_39275938_82497079.pdf
[17] Сыроваткина Т.Н. Основы экономики образования: учебное пособие. Оренбург: ООО ИПК «Университет», 2013.- 152 с

истеъмол қилиниши, истеъмолчини ўзгартириш қобилияти, истеъмол жараёнининг ижодий характердалиги, таълим хизматларини ўзлаштириш ирсият билан боғликлигини тушунтиради[18].

С.Д.Еникеева эса таълим хизматларини ижтимоий соҳанинг бир бўлаги сифатида тушунтиради. Унга кўра, таълим хизматлари ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, таълим хизматлари ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб кенг қамровли хизмат турига киради. Шунингдек, таълим хизматлари ўқитиш шакллари бўйича ҳам бир-биридан фарқланади ва давлат томонидан тартибга солишнинг улуши нисбатан кўпроқ бўлади[19].

Ўзбекистонлик олимлардан М.М.Мухаммедов раҳбарлигида тайёрланган монографияда "таълим хизматлари - бу таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатлар субъект салоҳиятини ўсишига йўналтирилган муайян таълим маҳсулотларини тақдим этиш жараёни" дея таърифланади[20].

М.Қ.Пардаев ўзининг "Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари" номли рисоласида келтиришича, таълим хизматлари деганда, инсоннинг, давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ билим эгаларининг онгли фаолияти ҳисобланади[21].

Ж.Р.Тохировнинг фикрича, таълим хизмати – таълим берувчи ташкилот ва ундаги профессор-ўқитувчилар томонидан давлатнинг ҳамда жамиятнинг ривожланиши учун маълум белгиланган эҳтиёжини

[18] Скоробогатова Ю.А. Об определении понятия «образовательная услуга» // Известия Иркутской государственной экономической академии.- 2010.- № 5.- С. 254–257.
[19] Еникеева С.Д. Рынок образовательных услуг и методы его регулирования: учебное пособие. - М.: МАКС Пресс, 2011.- 108 с
[20] Мухаммедов М.М., ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмнинг ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. "Зарафшон нашриёти", Самарқанд, 2017.-300 б.
[21] Пардаев М.Қ.Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. Т.: "Fan va texnologiyalar" nashriyot-matbaa uyi, 2022– 106 бет.

қондиришга йўналтирилган, инсон капиталини шакллантиришга қаратилган кишиларга наф келтирадиган, таълим хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ онгли фаолияти демакдир[22].

Мамлакатимиз олимларидан М.Х.Саидов, Л.В. Перегудов, З.Т.Тоҳировлар томонидан тайёрланган луғат-маълумотномада, таълим хизмати – таълим эҳтиёжларини қондириш мақсадларида билим ва ўқувга эга бўлиш учун аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда яратиладиган ва таклиф этиладиган имкониятлар мажмуи сифатида таърифланади[23].

Қ.Ж.Мирзаев, Ғ.С.Мустафоев, Б.К.Жанзаковлар томонидан тайёрланган "Хизматлар соҳаси иқтисодиёти" номли ўқув қўлланмада, "таълим хизмати"га инсон, жамият ва давлатнинг турли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билим, кўникма ва маълумотлар йиғиндиси сифатида қаралади[24].

Иқтисодчи олимлардан Ҳ.Н.Очилова ўзининг илмий тадқиқот ишларида таълим хизматлари тушунчасини кенгроқ ёритишга эришган десак бўлади. Ҳ.Н.Очилованинг таъкидлашича, таълим хизматлари деганда, инновацион иқтисодиётни шакллантиришга мўлжалланган инсон капиталини тайёрлайдиган давлатнинг рақобатбардошлигини таъминлашга, жамият ва бутун халқнинг фаровонлигини оширишга қаратилган билим олиш истагида бўлган шахсларга узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондирадиган ва тегишли наф келтиришга йўналтирилган билим бериш жараёни билан боғлиқ хизмат эгаларининг онгли фаолияти тушунилади[25].

---

[22] Тохиров Ж.Р.Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ташкилийиқтисодий механизмларини шакллантириш. ИФБФД (PhD). дис. автореферати Нукус, 2022. – 13 бет.

[23] Саидов М.Х., Перегудов Л.В., .Тоҳиров З.Т. Олий таълим (луғатмаълумотнома). Академик С.С.Гулямов умумий таҳрири остида. Т.: "Молия", 2003, 305-бет


[24] Мирзаев Қ.Ж., Мустафоев Ғ.С., Б.К.Жанзаков Б.К.. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти [Матн]: Дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: "STEP-SEL" МЧЖ. Нашриёти, 2023 – 217 бет

[25] Очилова Н.Ҳ. "Таълим хизматлари" ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари // Innovatsion iqtisodiyot / Инновационная экономика / The Innovation Economy №2. 2023. 11-19

Бизнингча, юқорида таълим хизматларига берилган таърифлар ҳозирги инновацион иқтисодиётни шакллантиришга мўлжалланган замонавий шароитлардаги таълим хизматларининг мақсад вазифалари ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб мазмун-моҳиятини тўлиқ ёритиб бера олмаган. Таълим хизматлари - бу кишиларнинг билим олишига ва касб эгаллашига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, инсон капиталини шакллантириш ва ишчи кучини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, инсоннинг ривожланиши ва ижтимойилашувини таъминлаш билан боғлиқ хизмат эгаларининг онгли фаолияти тушунилади.

Таълим хизматлари инсоннинг жамиятдаги ўрнини аниқлаб, унинг интеллектуал салоҳиятга эга аъзоси сифатида шакллантиради ва жамиятга наф келтириш учун йўналтиради. Шунинг учун унинг самараси бирдан кўзга ташланмайди. Унинг самараси мамлакадаги аҳолининг саводхонлик даражаси билан ўлчанади. Ташқи самара эса макроиқтисодий қарорларни қабул қилиш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларида намоён бўлади.

Таълим хизматларининг мазмуни кенг маънода инсон омилини ривожлантиришни ва билимга бўлган эҳтиёжларни қондиришни, ишчи кучини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ҳамда ходимнинг касб ёки малака олишга, қайта малакадан ўтишга, ишлаб чиқариш талабини қондиришга йўналтирилган ўқув муассасанинг ўқув, бошқарув ва молиявий натижасини англатувчи иқтисодий категория сифатида намоён бўлади (1.1.3-расм).



1.1.3-расм. Таълим хизматлари мазмунини анлатувчи таркиб[26]

Юқорида таъкидлаганимиздек, таълим хизматлари ижтимоий самарадорликка эга. У жамият ҳаётининг ижтимоий жиҳатига самарали таъсир кўрсатади. У ижтимоий ҳамжиҳатликни шакллантириш, фуқаролик масъулиятини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ишчи кучи сифатини оширишда муҳим ўрин тутади. У нафақат билимларни узатади, балки шахснинг ривожланишига ёрдам беради, ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлайди ва фуқароларнинг турмуш даражасига ижобий таъсир қилади.

Энг муҳим жиҳатлардан бири - таълимнинг ижтимоий ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни шакллантиришга қўшадиган ҳиссаси. Кўп маданиятли жамиятлардаги таълим тизими жамиятнинг турли табақаларини ва этник келиб чиқишини бирлаштириш ролини ўйнайди, одамларда маданий ранг-баранглиқка нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантиради.Таълим фуқароларни конструктив ўзаро муносабатларга, ижтимоий низоларнинг олдини олишга ва жамиятдаги тажовузкорлик

[26] Муаллиф томонидан тузилган

даражасини пасайтиришга ўргатади. Масалан, илғор таълим тизимига эга бўлган мамлакатларда мактаб таълими кўплаб қўшимча фойда келтирадиган ижтимоий бирдамлик ва давлат қурилишини мустаҳкамлаш механизми бўлиб хизмат қилади[27].

Таълим хизматларининг ўзига хос талқини унинг мамлакат ижтимоий ҳаётини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш каби муҳим мақсадлари ва қуйидаги вазифаларини аниқлаш имконини беради:

биринчидан, иқтисодий вазифасига мувофиқ, мутахассис кадрларни тайёрлайди, малакали ишчи кучини такрор ишлаб чиқаради ва меҳнатни рағбатлантиради;

иккинчидан, мулоқот, ўзаро алоқа ва ахборотларни узатишдан инсоннинг ижтимоийлашувини таъминлайди;

учинчидан, умумлаштириш вазифасига кўра, миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар ва тарихий тажрибаларни ўрганиш ҳамда умумлаштириш орқали миллий мафкуранинг шаклланишини таъминлайди;

тўртинчидан, тарбиявий вазифани бажариб, инсон шахсини тараққий эттиради, таккомиллаштиради, уни маънавий, ахлоқий, бадиий жиҳатдан ривожлантиради ва ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишга ёрдам беради.

Умумий ҳолатда таълим хизматларининг жамият тараққиётидаги ўрнини икки ҳолатда кўришимиз мумкин бир томондан билим бериш, маълумот, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга, касбга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Иккинчи томондан инсонни тарбиялаш ва шахс сифатида шакллантириш жараёни амалга

[27] The World Bank and UNESCO (2023). Education Finance Watch 2023. Washington D.C., Paris: The World Bank and UNESCO. 33 p.

оширилади. Ижтимоий муносабатларни таркиб топтириш, янги кишини тарбиялашга ёрдам беради.

Таълим хизматларини самарали амалга оширишда бу иккаласини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу иккаласи қачонки, бир-бири билан уйғунлашган ҳолатда самарали амалга оширилади (1.1.4-расм).

Таълим ва тарбия жараёнида шахснинг сифатлари, дунёқараши, қобилияти ўсади. Таълим хизматлари авлодлар ўртасидаги маънавий ворисликни таъминлаш қаторида кишиларнинг ижтимоий тарихий тажрибаларини ёш авлодга ўтказади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти. Тўртинчи жилд, тузатилган 2-нашри. 2020, - 27-28-бетлар
2. Клокова Е.А., Трубникова К.Д. Понятие образовательной услуги. Платность дополнительных образовательных услуг в государственных и муниципальных учреждениях // E-Scio, 2019. С. 572-580.
3. Организационные вопросы системы образования // Электронный-учебно
4. Долятовский В.А., Мазур О.А., Кузнецова И.В. и др. Стратегическое планирование деятельности вуза на рынке образовательных услуг: монография. Ростов н/д: 2006. РГЭУ. 235 с.
5. Захарова Л.В. Формирование и развитие образовательных услуг: автореф. дисс. к.э.н. / Белград. 2002.
6. Вифлеемский А.Е. Экономика образования / – М.: Изд. Маркет ДС, 2003. – 342 с.
7. Категорская Т.П. Совершенствование оценки качетсва образоватлнқх услуг в сфере высшего образования. Диссертаиця на соискние учёной степени к.э.н. Красноярск-2023. 178 с. С. 17.

8. Красовский И.Н. Регулирование мирового рынка образовательных услуг //Вестник ОрелГИЭТ. - 2019. № 1 (47). - С. 61-64. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_39275938_82497079.pdf
9. Сыроваткина Т.Н. Основы экономики образования: учебное пособие. Оренбург: ООО ИПК «Университет», 2013.- 152 с
10. Скоробогатова Ю.А. Об определении понятия «образовательная услуга» // Известия Иркутской государственной экономической академии.- 2010.- № 5.- С. 254–257.
11. Еникеева С.Д. Рынок образовательных услуг и методы его регулирования: учебное пособие. - М.: МАКС Пресс, 2011.- 108 с
12. Мухаммедов М.М., ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмнинг ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. “Зарафшон нашриёти”, Самарқанд, 2017.-300 б.
13. Пардаев М.Қ.Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. Т.: “Fan va texnologiyalar” nashriyot-matbaa uyi, 2022– 106 бет.
14. Тохиров Ж.Р.Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ташкилийиқтисодий механизмларини шакллантириш. ИФБФД (PhD). дис. автореферати Нукус, 2022. – 13 бет.
15. Саидов М.Х., Перегудов Л.В., .Тоҳиров З.Т. Олий таълим (луғатмаълумотнома). Академик С.С.Гулямов умумий таҳрири остида. Т.: “Молия”, 2003, 305-бет
16. Мирзаев Қ.Ж., Мустафоев Ғ.С., Б.К.Жанзаков Б.К.. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти [Матн]: Дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ. Нашриёти, 2023 – 217 бет
17. Очилова Н.Ҳ. “Таълим хизматлари” ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари // Innovatsion iqtisodiyot / Инновационная экономика / The Innovation Economy №2. 2023. 11-19 бетлар